



## Ким бир мўминнинг битта дунёвий ташвишини аритса, Аллоҳ таоло унинг Қиёмат кунидаги ташвишларидан бирини аритади

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким бир мўминнинг битта дунёвий ташвишини аритса, Аллоҳ таоло унинг Қиёмат кунидаги ташвишларидан бирини аритади. Ким қийналган кишига енгиллик келтирса, Аллоҳ таоло унга дунёю охиратда енгиллик беради. Модомики, банда биродарининг ёрдамида экан, Аллоҳ таоло унинг ёрдамида бўлади. Ким илм талабида йўл юрса, Аллоҳ таоло унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди. Одамлар Аллоҳнинг уйларида бирига йиғилиб, Унинг китобини тиловат қилиб, уни ўзаро дарс қилиб, ўргансалар, улар устига осудалик тушади, уларни раҳмат қоплайди ва фаришталар ўраб олади. Аллоҳ таоло ўз ҳузуридагиларга уларни зикр қилади. Амали секинлаштирган кимсани насл-насаби тезлаштира олмайди».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадиси шарифда мусулмоннинг Аллоҳ ҳузуридаги мукофоти унинг мусулмон биродарлари билан қандай муомалада эканлигига қараб бўлишини хабар бердилар. Кимки бир мўминнинг дунёдаги бир қийинчилигини енгиллатса, ғам-ташвишини кетказса, қиёмат куни Аллоҳ таоло унинг бир қийинчилигини енгиллатиб қўяди. Ким қийналган кишига енгиллик яратса, осонлаштирса ва қийинчилигини аритса, Аллоҳ унга дунё ва охиратда енгиллик беради. Кимки бир мусулмоннинг айбини ёпса, яъни, кўриб қолган гуноҳ ёки камчилигини ошкор қилмаса, Аллоҳ таоло унинг айбини дунёда ҳам, охиратда ҳам ёпиб қўяди. Аллоҳ таоло биродарига дини ёки дунёсида ёрдам бериб юрган банданинг мутлақо ёрдамчиси бўлади. Ёрдам эса дуо, тана, бойлик ва бошқа турли йўллар билан ҳам бўлади. Кимки Аллоҳнинг розилигини истаб, дин илмини ўрганиш учун йўлга чиқса, Аллоҳ таоло унга Жаннат йўлини осон қилиб қўяди. Аллоҳнинг уйларида бирида тўпланиб, Қуръонни тиловат қиладиган ва уни ўзаро ўрганадиган қавмнинг устига сакинат ва хотиржамлик тушади, уларни Аллоҳнинг раҳмати қоплаб олади, фаришталар уларни ўраб туради. Аллоҳ таоло уларни Ўз ҳузуридаги муқарраб фаришталар орасида зикр қилади. Аллоҳ бандани Малоъул-Аълода зикр қилишининг ўзи унга етарли шарафдир. Кимнинг амали оз бўлса, катта амал эгаларининг даражасига ета олмайди. Шунинг учун инсон насаби ва оталарининг шарафига суяниб олиб кам амал қилмаслиги керак.

النجاة الخيرية  
ALNAJAT CHARITY

